

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/3 ✪ 2016



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

2016
1/3

Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми

Бош муҳаррир:

А.А. АБДУШУКУРОВ – ф.- м.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.Х. ХАЙТБАЕВ – к.ф.н.

Таҳрир хайъати:

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.н., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Холманова З.Т. – фил.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Маъсул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2016

Мусаев М.Т. “Оммавий маданият” ва унинг ғоявий-мафкуравий таҳдиди.....	171
Рахманова М.Қ. Талабаларни ижтимоий фаоллигини ошириш вазифалари.....	175
Ризаев А.М. Хашимитское королевство Иордания: международный имидж в условиях устойчивых стереотипов.....	178
Рустамов И. Ибн Синонинг фалсафий таълимотида инсон маънавий камолоти масалалари.....	184
Саидова Ф.Б. Организационно-управленческое обеспечение качества высшего педагогического образования.....	187
Сайфиллаева Д. Абу Хамид Газали о духовном облике правителя и о роли советников и писцов в управлении государством.....	190
Салмонов А.А. Алишер Навоий ижодида ахлокий маърифат масалалари.....	193
Сиддиқов И.Б. Шахс ижодий фаолиятида интеллектуал маданиятнинг ўрни.....	196
Темиров Д.Ш. Таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш йўналишлари.....	200
Хасонбоев Б.В., Тилолов Б.А. Глобаллашув жараёнида жамиятдаги ахборот-технологик ўзгаришларнинг айрим жиҳатлари.....	204
Тошпулатова М.И. Психолого-педагогическая компетентность учителя начальных классов.....	207
Тўраев А.С. АҚШ неоконсерватизми.....	209
Туропов Ё. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш – умуммиллий вазифа.....	214
Хасанов О.А. Демократик тараққиётда сиёсий тизим ва парламентаризм.....	216
Шодмонкулова М. Либерал-демократик ғоялар – демократик жамият қуришнинг муҳим шартлари.....	219
Эрназаров Д.З., Мирабдуллаева Ш.А. Нодавлат секторини молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва тенденциялари.....	223
Якубова Г.А. Турли муассасаларда тарбияланаётган мактабгача ёшдаги болаларда депривация шароитида хотира ривожланишига салбий таъсири.....	227
Филология	
Абдулҳакимова О. “Садди Искандарий” достонида эпик тасвир масаласи.....	231
Акбаров А. Гендерно-обусловленный язык и его влияние на межкультурную коммуникацию.....	235
Аллаярова З.Б. Илмий-техникавий тафаккур ва терминология муаммолари.....	238
Атаджанова Ш.А. Специфика обучения иностранному языку в неязыковых ВУЗах.....	242
Ахмедов С. Жиззах оронимларининг шаклланиш хусусиятлари.....	245
Akhmedova N.Sh. Improve intensification using computer technologies in the process of teaching a foreign language.....	248
Баходиров Ж.А. Замонавий реклама ва унинг вазифалари.....	252
Валиев Т.Қ. Ўзбек тилида йўлсозлик терминларининг тузилишига кўра турлари.....	256
Дадабоев О. Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тарихий романида ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари.....	261
Кенжаева П. Турк хикоячилигининг шаклланиш манбалари.....	264
Кўйлиева Г. Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясида образлилик.....	267
Кўлдошев А.М. Халқларнинг буюк кўчиши таъсирида герман тилларида содир бўлган ўзгаришларнинг социолингвистик табиати.....	271
Кўлдошева Ш. Инглиз тили тараққиётининг асосий тенденциялари ва уларни белгиловчи омиллар.....	275
Nazarova D.O. Interconnection relations of state educational system and public opinion.....	278
Ниязметова Д.Д. Таркибида таом ва пиширик номлари бўлган инглиз ва ўзбек тили фразеологизмларининг лингвокультурологик хусусиятлари.....	281
Носирова З. Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” ва Юкио Мисиманинг “Асл қиёфа” асарларида айниятдошлик.....	285
Раҳимова Г.А. Шарль Перро эртаклари таржималарининг қиёсий таҳлили.....	288
Садикова С.А. Инглизча-ўзбекча-русча идеографик луғатлар тузишнинг назарий ва амалий асослари (ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун).....	291
Сафаров О. Хиеронимус ва унинг таржимага оид мулоҳазалари.....	294
Тошева Д.А. Лингвокультурологические и семантические особенности парем с зоонимическими компонентами.....	298
Усмонова М. Ўзбек тилида соддалашиш ҳодисаси.....	301
Хамзаев С.А. Инглиз ва ўзбек тилларида иккиламчи предикацияли қурилмаларнинг мулоқот жараёнидаги роли.....	304
Xolmuradova M.F. “Qutadg‘u bilig”da qo‘llangan astronomiyaning xususiyatlari.....	307
Шарапова Н.Б. Шеъринг ифодадаги янги фикр талқини.....	310
Эшонкулова С. Байрамхон ва Нодирабегим шеърларида Хизр пайғамбар образи талқинлари.....	313
Юлдошева Н. Ўзбек тилида [WP] кўринишли йиғиқ гапларнинг нутқий воқеланиши.....	316
Юсупов О.Н. Структура художественного перевода.....	318

ХИЕРОНИМУС ВА УНИНГ ТАРЖИМАГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАРИ

Сафаров О. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада Хиеронимуснинг таржимага оид мулоҳазалари ва унинг таржима сўзма-сўз эмас, маънома-маъно амалга оширилиши кераклиги ҳақидаги қарашлари ёритилган.

Калит сўзлар: Қадимги Аҳд, Янги Аҳд, сўзма-сўз таржима, маънома-маъно таржима, Ветус латина, Вулгата, католик, реформация, риторика.

Кудратли Рим салтанатининг буюк нофиғи ва давлат арбоби Цицерондан (мил. авв. 106-43) кейин таржима ҳақида салмоқли мулоҳазалар билдирган мутафаккир лотинча Библия таржимони Хиеронимус (мил. 347-419/420) ҳисобланади. Шу боис таржима илмига оид кўп манбаларда, у таржима ҳақида билдирган мулоҳазалар қайд этилган ҳоллар кўп учрайди. Бироқ уларда ўша мулоҳазалар юзакигина қайд этилган бўлиб, бу ҳол уларнинг моҳиятини теран тушуниш имкониятини бермайди. Шу нуқтаи назардан номи юқориди қайд этилган мавзуга оид масалалар атрофлича ўрганилиши долзарб аҳамиятга эга.

Бу орқали ўша мулоҳазалар ҳақида ҳаммада бирдай ва тўғри тасаввур ҳосил қилиш, таржималар тарихига оид кўп зиддиятларни бартараф этиш, таржима илмига оид тадқиқотларни тўғри ташкил этиш имкониятлари пайдо бўлиши мумкин.

Таникли лотин грамматикачиси (тилшуноси) Донатнинг (Donatus) шогирди, ноқиқлик ва ақл-у идрокда Цицеронни ўзига устоз-у маънавий ота деб билган Софронийус Ойсибиус Хиеронимус (Sophronius Eusebius Hieronymus) милодий 347-йилда ҳозирги Словениянинг Любляна (немисча – Leibach) шаҳрида туғилиб, 419 ёки 420-йилда Байтлаҳм (немисча – Bethlechem) шаҳрида вафот этган.

Цицерондан қарийб тўрт ярим аср кейин яшаб, 71 ёки 72 йил умр кўрган Хиеронимус католик мазҳабининг йирик намояндаларидан биридир. Унинг таржимаси ўзгартириш мумкин бўлмаган муқаддас китоб (Sacra Skriptura), ўзи эса вафотидан кейин авлиё сифатида эътироф этилган.

Хиеронимус Янги Аҳд ва Қадимги Аҳдни, улар кенг халқ оmmasига тушунарли бўлишини назарда тутиб, оддий халқ тилига таржима қилган. Шу боис унинг таржималари “Вулгата” (халқчил) деб ҳам аталади. Аслида у ушбу таржималари туфайлигина эмас, балки уларни танқидлардан ҳимоя қилиш учун ёзган “De optimo genere interpretandi” (Таржиманинг энг яхши усули) сарлавҳали мақоласи учун таржима илмига бевосита дахлдор.

Ж. Муниннинг 1967-йили немисча таржимада Мюнхенда чоп этилган “Die Übersetzung: Geschichte, Theorie, Anwendung” (Таржима: тарих, назария, амалиёт) китобида (25-б.) қайд этилишича, Хиеронимус ёшлигида ўзи билан ўқиган дўсти Паммахиусга эпистоляр (мактубий) тарзда ёзган ушбу мақола 72 марта нашр этилган.

Европада китоб босиш ихтиро қилинган XV асргача, уни турли асрларда яшаган хаттотлар бир неча марта кўчириб ёзган бўлишлари ҳам

эҳтимолдан холи эмас. Демак, бу мақола, биринчидан, асрлар давомида саводли кишиларда таржимавий тафаккур шаклланишига катта туртки бўлиб келган бўлса, иккинчидан, таржимага эркин ёндашишни афзал кўрадиган таржимонларни таъна-ю танқидлардан ҳимоя қилиш воситасига айланган. Шуни назарда тутиб, Валери Лаурбауд (Valéry Laurbaud) мазкур мақола муаллифини “Schutzpatron der Übersetzer” (Таржимонлар ҳимоячиси) дея таърифлаган.

Хиеронимус таржима ҳақида билдирган мулоҳазаларнинг моҳиятини теран тушуниш, унинг давридаги тарихий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, диний ҳаётга оид масалалардан атрофлича хабардор бўлишни тақазо этиши табиий. Жумладан, у Библия таржимасига киришиши, Рим салтанати иқтисодий, ижтимоий васиёсий жиҳатдан анча заифлашган даврга тўғри келади. Ўша милодий 380-йилда, насронийлик Рим салтанатининг давлат дини сифатида эълон қилинади. Унинг барча фуқаролари шу эътиқод ва унинг қондаларига амал қилишлари шартлиги белгилаб қўйилади.

Шундай қилиб, айрим манбаларга кўра, 380-йилда, бошқаларига кўра, 382-йилда Хиеронимус папа Дамасдан (Damasus) Янги Аҳднинг Vetus Latina деб аталган таржималарини ўрганиб чиқиш ҳақида топширик олади. Аслида ўша таржималар уни, аниқроғи, диний мафкура пешволарини қониктирмаган. Натижада, Хиеронимус 383-384 йиллар ичида Янги Аҳдни юнон тилидан лотинчага таржима қилади.

Тегишли мунбаларда қайд этилишича, шу иши тугаши билан, яъни 385-йилда, Хиеронимус Римни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бу ҳол унинг таржимаси билан боғлиқ бўлиши табиий. Чунки ўша пайтларда Римда юнон тилини биладиган саводли кишилар кўп бўлган. Хиеронимус ўзини мана шундай кишилардан йироқроқ тутишни афзал кўрган бўлса, ажаб эмас.

390-406 йилларда эса Хиеронимус Қадимги Аҳдни ибрий (эски яҳудий) тилидан лотинчага таржима қилади. Бу орада, аниқроғи, 394-йилда унинг замондоши ва деярли ҳамюрти Тираннус Руфинус фон Аквилая унинг ушбу таржимасига кескин эътироз билдиргани ҳақида Х. Вермеер шундай ёзади:

“Tyranus Rufinus von Aquileia, (ca. 345-410) Zeitgenosse und beinahe Landsmann des Hieronymus, der sich (394) nach jahrelanger Freundschaft für immer mit ihm über Fragen der “ortodoxen” Übersetzung zerstritt” [1].

* Сафаров О. – ЎзДЖТУ доценти, фил.ф.н.

Х. Вермеерёзишича (Vermeer 1992, 293), Хиеронимус ўзиникидан олдинги Библия таржималарини ўрганиб чиқиб, уларни қайта ишлашорқали яхлит матн ҳолига келтирган. Афсуски, масаланинг бу томони бизга қоронғи. Аммо “De optimo genere interpretandi” асрлар оша бизгача етиб келгани қувонарли ҳолдир.

Немис файласуфи Ханс Ёаҳим Штёрх (Störig, H. J.) ўзининг “Das Problem des Übersetzens” (Таржима муаммоси) мақолалар тўпламига киритган бу мақолани Волфганг Бухевалд 1910-йида И. Хелбиг чоп эттирган лотинча матндан немис тилига таржима қилган.

Шу тўпلامнинг 3-нашрида (1973) лотинча рақамлар билан белгиланган узун сўзбошидан кейин, дастлабки мақола сифатида берилган 13 бетли ўша мақоласида, Хиеронимус септуагинтачилар, евангелчилар (хушхабарчилар, инжилчилар) ва Аквиланинг таржималарни, шунингдек, ўзи муқаддас китобларни ва бир руҳоний бошқа руҳонийга ёзган хатни қандай таржима қилгани ҳақида маълумотлар беради.

“Мен, - дея таъкидлайди у ўша мақоласи бошида, - буни, нафақат, тан оламан, балки очик айта оламанки, юнонча матнлар таржимасида - муқаддас китоблардаги сўзлар тартиби сирли бўлса-да - сўзни сўз билан эмас, маънони маъно билан ифодалайман; ва бунда Платоннинг ‘Протагор’, Ксенофонтнинг ‘Ойкономикус’ ҳамда Эсхин ва Демосфен иккови бир-бирига қарши сўзлаган жозибали нутқларни таржима қилган Туллийни (Цицеронни) ўзимга устоз деб биламан. У бошқа тил хусусиятларини она тили орқали ифодалашда, қанчасини қолдиргани, қанча қўшгани, қанча ўзгартиргани ҳақида гапириб ўтиш фурсати эмас. Менга таржимон обрўсининг ўзи кифоя...” [2].

Шундан сўнг у Ҳорац (Horaz), Теренц (Terenz), Плавт (Plautus) ва Сицилий (Caecilius) каби шахсларнинг ҳам таржимага оид мулоҳазалари ҳақида маълумотлар бериб, улар ҳам сўзма-сўз эмас, маънома-маъно таржима тарафдори бўлганликларини таъкидлаган ҳолда, ўзи ҳам йигирма йилча илгари (тахминан, у “Янги Аҳд”ни таржима қилган пайт) “Chronik des Eusebius” (Ойсибиус йилномаси) сарлавҳали таржимасига ёзган сўзбошисида, сўзма-сўз эмас, маънома-маъно таржима қилиш кераклиги ҳақидаги мулоҳазасини куйидаги тарзда ифодаланини иктибос сифатида келтиради:

“Wenn es jemandem so scheinen will, als werde der Reiz einer Sprache durch die Übersetzung nicht verändert, so möge er den Homer wörtlich lateinisch wiedergeben, ja noch mehr: er möge ihn in seiner eigenen Sprache in Prosa übersetzen” [3]. - (Агар кимга таржима орқали бирор тилнинг жозибаси ўзгармайдиган туюлса, Ҳомерни лотинчага сўзма-сўз берсин, бунинг устига: у уни ўз тилига насрда таржима қилсин.)

Кейин Хиеронимус Атанасиуснинг (Athanasius) “Lebensbeschreibungen des seligen Antonius” (Марҳум Антониуснинг ҳаётномалари) асарини лотинчага таржима қилган ва унга қисқа сўзбоши ёзган Эвагриус (Euaagrius) ҳақида ҳам

мулоҳаза юритиб, унга таржимани топширганлар, у уни қай тарзда амалга ошириши кераклиги ҳақида берган кўрсатмаларни иктибос сифатида келтиради:

“Bitte übersetzt, so daß nichts am Sinn fehlt, wenn etwas an den Worten fehlt. Mögen andere nach Silben und Buchstaben fahnden, du suche den Sinn” [4]. - (Илтимос, шундай таржима қилинги, сўзлар бир оз камайдиган бўлса-да, мазмун сира йўқолмасин. Бошқалар бўгин ва ҳарфлар кетидан қувса-да, сен мазмунни изла.)

Юқорида қайд этиб ўтилганлардан бошқа кўп шахслар ҳам маънома-маъно таржима тарафдори бўлганликлари ҳақида Хиеронимус шундай ёзади: “Der Tag wird nicht ausreichen, wenn ich die Zeugnisse aller, die nach dem Sinn übersetzt haben, aufzähle” [5]. - (Маъно бўйича таржима қилган ҳаммининг фикрларини қайд этадиган бўлсам, кун етмайди.)

У Ҳилариус (Hilarius) ҳам ўз таржималарида ҳарфларни (Buchstaben) эмас, мазмунни (Sinnegehalt) беришга эътибор қилганини ҳам таъкидлаб, бундай таржима ғайритабиий ҳол эмаслиги, ундан бошқа кўплаб дунёвий ва диний матнлар таржимонлари ҳам ўз таржималарини шу тарзда амалга оширганликлари уқдиради.

Хиеронимус инжилчиларнинг таржимаси ҳақида ҳам мулоҳаза юритиб, хаворий Маркуснинг ривоятларидан бирида Худо “Talitha cumi” [6], - деган гап борлиги, “Қиз, ўрнингдан тур” (Mädchen, steh auf) дейилган бу гапни улар “Mädchen, ich sage dir, steh auf!” (Қиз, мен сенга айтяпман, ўрнингдан тур!), - деб таржима қилишгани ҳақида маълумот берган ҳолда, улар ушбу гапга “мен сенга айтяпман” иборасини қўшишгани ёлғон бўлса-да, у гапнинг таъсирчанлигини ошириш, буйруқни аник ифодалаш нуқтаи назаридан тўғри эканлигини таъкидлайди.

Кейин у септуагинтачиларнинг таржимаси ҳақида мулоҳаза юритади ва йигирма биринчи псаломдаги “Heli heli lama zabtani” [7], “Худо, Худойим, нега мени тарк этдинг?” - (Gott, mein Gott, warum hast du mich verlassen?) мазмунли бу гапни улар “Худо, Худойим, менга қара, нечун мени тарк этдинг?” (Gott, mein Gott, schau auf mich, warum hast du mich verlassen?) - дея таржима қилишгани ҳақида маълумот берган ҳолда, улар бу гапга “менга қара” иборасини қўшишганини ҳам тўғри деб билишини ва бу каби ҳоллар ўзининг таржимасида ҳам учраши ҳақида шундай ёзади:

“Sie werden jedenfalls antworten, daß der Sinn keinen Schaden gelitten habe, wenn zwei Worte zugefügt sind. Dann mögen sie auch von mir hören, daß die Verfassung der Kirchen nicht in Gefahr ist, wenn ich in der Geschwindigkeit des Diktierens diese oder jene Worte ausgelassen habe” [8]. - (Ҳар ҳолда сиз, иккита сўз қўшилгани билан маънога зарар етмаган, деб жавоб беришингиз мумкин. Унда сиз мендан ҳам эшитинги, шошиб ёзганимда, у ёки бу сўзни қолдириб кетган бўлсам, черковлар қонуни хавфда қолмайди.)

Хиеронимус ушбу мулоҳазаларини яна шундай давом эттиради:

“Es wäre zu langwierig, wenn man jetzt nachschlagen wollte, wie vieles die Septuaginta, von

sich aus zugefügt, wie vieles sie weggelassen haben" [9]. - (Агар ҳозир Септуагинта қанчасини ўзидан қўшгани, қанчасини қолдириб кетгани кўриб чиқиладиган бўлса, жуда кўпга чўзилиши мумкин.)

Худди шундай ҳоллар ўзининг таржималарида ҳам учрашини Ҳиеронимус куйидаги тарзда эътироф этади:

"Hier ist ein Widerspruch zwischen dem Evangelisten und der Septuaginta und unserer Übersetzung, und dennoch steht die Verschiedenheit der Texte durch die Einheit des Geistes im Einklang" [10]. - (Бу ерда инжилчиларнинг ва Септуагинтачиларнинг ва бизнинг таржима ўртасида зиддият бор, шундай бўлса-да, матнлардаги фарқлилик руҳ бирлигига ҳамоханг.)

Кўриниб турибдики, Ҳиеронимус инжилчи ва Септуагинтачиларнинг таржималарига, нафақат, эътироз билдирмагани, балки уларни куйидаги тарзда химоя қилгани ҳам эътиборга лойик:

"Wie sehr sich die Septuaginta-Übersetzung vom Zeugnis des Evangelisten unterscheidet, ist offensichtlich, aber auch im Hebräischen sind die Worte, während der Sinn derselbe ist, verkehrt und fast verschieden" [11]. - (Септуагинта таржимаси инжилчиларнинг фикрларидан қанча кўп фарқ қилиши кўриниб турибди, бироқ ибрийчада ҳам сўзлар, маъно ўшандай бўлса-да, мужмал ва деярли турлича.)

Кейин Ҳиеронимус Септуагинта ва инжилчиларнинг таржималари черковларда ўз кучини йўқотмай келаётганини таъкидлаб, Аквила милодий 2-асрда, тахм. 140-йилда, ибрий тилдан юнончага амалга оширган Қадимги Аҳд таржимаси ҳақида шундай ёзади:

"Aber Aquila, der (jüdische) Proselyt und sklavischer Übersetzer, der nicht nur die Wörter, sondern auch die Ethimologien der Wörter zu übersetzen versucht hat, wird mit Recht von uns abgelehnt" [12]. - (Бироқ нафақат, сўзларни, балки сўзларнинг этимологияларини ҳам таржима қилишга уринган Аквила, (яхудий) такводор ва қул таржимон, биз томондан ҳақли равишда инкор этилади.)

Аквила ўз таржимасида "Getreide, Wein, Öl" (буғдой, май, мой) каби сўзларни ҳам аслиятдаги каби ифодалаганига ҳам Ҳиеронимус эътироз билдиради ва бу ҳолни юнонча кўп сўзлар ва сўз бирикмалари лотинчага сўзма-сўз берилганида, ғалати туюлиши, лотинчадан юнончага таржимада ҳам шундай ҳол юз бериши мумкинлиги билан изоҳлайди.

Ҳиеронимус Аквилани бўғин ва ҳарфлар таржимони сифатида ҳам айблади. "Ибтидо" китобидаги Худо дастлаб осмонни ва ерни яратгани ҳақидаги гапни, у "Am Anfang schuf Gott mit den Himmel und mit die Erde"[13], яъни "Худо дастлаб осмонни билан ва ерни билан яратди", - деб таржима қилганига ишора қилиб, юнончада ҳам, лотинчада ҳам фикр бу тарзда ифода этилмаслигини таъкидлайди.

Ниҳоят, у дўсти Паммахиусга, уни зодагонларнинг энг насронийси, насронийларнинг энг зодағони (Allerchristlichster unter den Adligen und Adligster unter den Christen) сифатида таърифлаган

ҳолда мурожаат этиб, Кипрнинг Саламис шаҳри епископи Эпифаниос (Bischof Ephifanios aus Salamis auf Cypern) Қуддус епископи Ёханнесга (Bischof Johannes von Jerusalem) ёзган хатини юнончадан лотинчага таржима қилгани ва унинг ушбу таржимаси тўғрилигига айримлар шубҳа билан қараётганликларидан ташвишда эканлигини билдириб, шундай ёзади:

"Was sagst Du dazu, Du Leuchte der Wissenschaft und Aristarch unserer Tage, der Du die gesamte Literatur zu beurteilen imstande bist?" [14]. - (Сен бунга нима дейсан, эй илм зиёси ва бизнинг кунлар Аристархи, жамики адабиётга ҳукм чиқаришга қодир шахс?)

Ҳиеронимус дўстига хато қилиш инсонга хослиги, уни тан олиш - оқиллик аломати эканлигини, Сократ "Мен ҳеч нимани билмаслигимни биламан", - деганини, бир донишманд эса "Ўзингни англа", - деганини эслатиб, ўзи бирорта насронийни тил билмасликда айбламоқчи эмаслигини, ҳақиқатни билиш учунгина, юнон тилидаги ўша хатни лотинча таржимаси ва унга билдирилган эътирозлар ёзилган хатга қўшиб, дўстига, у ўзи улардан тегишли хулосалар чиқаришини назарда тутиб, юбораётганини таъкидлаб, ёзганларини куйидаги сатрлар билан тугатади:

"Andererseits genügt es mir, einen sehr lieben Freund aufgeklärt zu haben und in meiner Zelle verborgen nur den Tag des Gerichts zu erwarten. Und ich möchte, wenn irgend möglich - mögen auch die Gegner toben -, lieber Kommentare zu den Heiligen Schriften verfassen als Philippiken wie Demosthenes und Tullius) Cicero"[15]. - (Бошқа томондан, менга энг қадрли дўстимни бундан воқиф қилганим ва ўз ҳужрамда яширинган ҳолда, ҳукм чиқариладиган кунини кутиб қолишим кифоя. Ва мен, иложи бўлса - рақиблар таъна қилишса ҳам - Демосфен ва Туллий (Цицерон) каби Филипикалар эмас, муқаддас китобларга изоҳлар ёзган бўлардим).

Хуллас, "De optimo genere interpretandi" да Ҳиеронимус сўзма-сўз эмас, маънома-маъно таржима қилиш кераклиги ҳақидаги фикрни илгари сурган ва шу нуктаи назардан ўзи амалга оширган таржималар тўғрилигини, уларга нисбатан билдирилган эътирозлар эса асоссиз эканлигини исботлашга ҳаракат қилган. Мазкур мақола муаллифи таржима жараёнида ниманидир қўшиш, қолдириб кетиш ёки ўзгартиришни ҳам маънома-маъно таржима сифатида талқин қилгани жуда баҳсли. Шу нуктаи назардан ўзи амалга оширган Уолтер Уллманн (Ullmann W.) "Medieval Foundations of Renaissance Humanism" (Ренессанс гуманизмининг ўрта асрлардаги асослари, 1977. p. 41) китобида қайд этган куйидаги мулоҳаза эътиборга лойик:

"Латинский перевод Библии содержал в себе великое множество терминов, выражений и идей, почерпнутых из римского права, с целью передать довольно распространённый юридический характер библейских текстов, особенно Ветхого Завета. Эти элементы римского права человек заучивал

подсознательно, одновременно с текстом самой Библии" [16].

Шунинг учун ҳам Хиеронимуснинг таржималарига доим эътирозлар билдирилган. Шавкатсизликлар билан бўлса-да, католик черковининг мавқеини ошириш кўзда тутилган дастлабки даврларда ҳар қандай шахс бу зотнинг таржималарига ошкора эътироз билдириши хавфли бўлган. Бунинг устига Европада муқаддас китобларни бошқа тилларга таржима қилиш айнан унинг лотинча таржимаси орқали амалга оширилиши шарт бўлган.

Кейинчалик, айниқса, Реформация даври сифатида из қолдирган XV – XVI асрларда Европанинг аксарият тилларига муқаддас китобларни таржима қилишда Хиеронимуснинг таржимасидан ёппасига воз кечиладики, бу ҳол

унинг таржималарига ишончсизлик қайфияти тўлиқ пишиб етилганидан далолат беради.

Бундай шароитда католик черкови тегишли чоралар қўришга мажбур бўлгани боис, 1546-йили Тридентин концили (черковнинг умумий йиғилиши) Хиеронимуснинг лотинча таржималарини католик черковининг расмий версияси сифатида эълон қилади.

Хуллас, "De optimo genere interpretandi" да таржима ҳақида қайд этилган мулоҳазалар, моҳияти жиҳатидан эркин таржима тамойилига тўғри келади. Бундай таржима ҳолисликдан муайян даражада йироқ бўлиши табиий. Бунинг устига ўша мулоҳазалар худди Цицеронники каби риториктарзда баён этилганки, уларни теран тушуниш, риторикага, яъни нотиклик илми ва санъатига, мурожаат этилишини тақазо этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Siehe: Vermeer, H. J. Frühe christliche Übersetzungen // Skizzen zu einer Geschichte der Translation. Bd. 1. Fr. / Main: Verlag für interkulturelle Kommunikation, 1992. S. 277.
2. Siehe: in Störig, H. J. (Hrsg.). Hieronymus // Das Problem des Übersetzens. Darmstadt: Wiss. Buchgesellschaft, 1973. S. 1-2.
3. Ebenda, S. 3.
4. Ebenda, S. 3.
5. Ebenda, S. 3.
6. Ebenda, S. 4.
7. Ebenda, S. 10.
8. Ebenda, S. 10.
9. Ebenda, S. 10.
10. Ebenda, S. 5.
11. Ebenda, S. 14.
12. Ebenda, S. 10.
13. Ebenda, S. 11.
14. Ebenda, S. 12.
15. Ebenda, S. 13.
16. См. Прокопович С. С. Адекватный перевод или интерпретация текста? // Тетради переводчика. Выпуск. 17. М.: "Межд. Отношения", 1980. С. 42.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются высказывания Иеронима о переводе и его мнения о том, что перевод должен осуществляться не от слова к слову, а от значения к значению.

Ключевые слова: Старый Завет, Новый Завет, дословный перевод, перевод от значения к значению, Ветус Латина, Вулгата, католический, реформация, риторика.

RESUME

In the article we are talking the statements of Jerome about the translation and his opinion that the translation should not be implemented from word to word but from meaning to meaning.

Keywords: The Old Testament, the New Testament, literal translation, interpretation of the meaning, Vetus Latina Vulgate, catholic, reformation, rhetoric.